



ГАЗАЛЛАР

* * *

Эй юзимни дахр аро мисли камар килган ўзинг,
Банд-бандим сўйлатиб, ахли назар килган кўзинг.

Эй шамолингдан дaraohтим ракс айлаб, ўйнаган,
Номинг айтсан, оғзими шахду шакар килган сўзинг.

Сен билурсанки дaraohтим не учун ракс айлагай,
Барг бердингми самар ё бесамар килган ўзинг?

Баргидин хам бир нишон йўк, мөвасидин – бир нишон,
Эй дaraohтим сабрини зеру забар килган ўзинг.

* * *

Гул каби гулшан томон кетмоқдасан,
Сендаман мен, сен каён кетмоқдасан?

Полу гунг бўлди сени савсан кўриб,
Гулрухим, савсан томон кетмоқдасан.

Майфуруш икки лабингдин, эй санам,
Бергали мастрларга жон кетмоқдасан.

Дилраболар орtingа юлдуз мисол,
Сен тўлин ойсан, жаҳон кетмоқдасан.

Ўзга бир оташ ёкурсан хар кима,
Тошми темирдил – нихон кетмоқдасан.

Мен сенинг зарранг бўлиб ракс айлагум,
Эй куёш, равзан томон кетмоқдасан.

Сурма янглиг кўзга солгайман сени,
Эй дил, эй дил, беомон кетмоқдасан.

* * *

Бир сонияда мени гулистон киладир,
Бир сонияда яна зимистон киладир.

Бир сонияда фозилу устод айлар,
Ёш бола мисоли яна нодон киладир.

Бир пасда уриб тош, мени синдирадир,
Бир пасда яна мисоли султон киладир.

Бир пасда офтоб била тенг айлар,
Бир пасда каро туну шабистон киладир.

Тутдим этагидин икки кўлим бирлан,
Токи кўройин деб, не достон киладир.

Хуш дардининг майига менман кадах,
Гарчи мени мастрларга хон киладир.

Шул-чун шакаридан оладирман тун-кун,
Токи лакабимни шакаристон киладир.

* * *

Дилбарим килгай вафо андаккина,
Чикди хуш айлаб садо андаккина.

Менга бир кулди кеча ул навбахор,
Бўлди рўзгорим зиё андаккина.

Ок атиргул чикди хандон айлабон,
Бўлди богим хушнаво андаккина.

Ул нафис тонгим манга берди нафас,
Шул нафасдин мен адо андаккина.

Ок булатим кўнди дарё бўйига,
Хок бўлгил, мен – само андаккина.

Мен ёгай ёмгир бўлиб, гуллар очиб,
Бўлки, мен бергум сафо андаккина.

Менга мухлат бергил, ўздин кетмагил,
Сабр айлай, дилрабо, андаккина.

Кофир ўлгайман, анинг ишкида гар
Сабр килсам, эй Худо, андаккина.

* * *

Дилимнинг дардини харгиз хувайдо айлаюб бўлмас,
Бу кўксим ичра бир сир бор, ки пайдо айлаюб бўлмас.

Сенинг хуснинг бизим кўзларга токи тола нур бермас,
Жамолинг богида асло тамошо айлаюб бўлмас.

Сени то сўйламаскан тил, умрлар ўтса хамки бил,
Сенинг лаъли лабингдан бир таманно айлаюб бўлмас.

Бу оламда факат танҳо сенга юз бурмагунча то,
Сенинг чехранг билни дилни мусаффо айлаюб бўлмас.

Мехр нуринг килиб ифшо, киши заррангга етмас то,
Масихо дахрининг таркини асло айлаюб бўлмас.

Бутун олам тиник кўзгу, ки ишк майхонасиdir бу
Маю ишк мастигин бир жойда барпо айлаюб бўлмас.

Агар ошик дилидан ким хабарсизdir, шуни билким,
У шайдоликни билмайдур ва шайдо айлаюб бўлмас.

Бу олам узра гар Ийсо чикиб келмас экандир то,
Бу гумбаз узра бир сайру тамошо айлаюб бўлмас.

Лабининг бодасидиниким куйибdir Шамс калбига,
Букун бир катрасини хам хувайдо айлаюб бўлмас.

* * *

Кел эй, жонимга жононим, уйинг кайда, уйинг кайда?
Кел эй, дардимга дармоним, уйинг кайда, уйинг кайда?

Ўзинг манзурсану нозир, ўзинг пинхону хам хозир,
Сен эй, пайдою пинхоним, уйинг кайда, уйинг кайда?

Мени мажжур этурсан ёр, гам ичра йиглаюрсан зор,
Сен эй, сен мохитобоним, уйинг кайда, уйинг кайда?

Ўзинг жонсан, ўзинг жонон, ўзинг хусн ахлига султон,
Сени дерман, сени жоним, уйинг кайда, уйинг кайда?

Мусалсал зулфларинг хайхот, дилимни айлади барбод,
Ўзинг шох бирла султоним, уйинг кайда, уйинг кайда?

Кел эй, сен Шамси Табрезий, тун окшом ё сахар кези,
Даф айла фитна бурхоним, уйинг кайда, уйинг кайда?

Кара, арш томига кетдим, сенинг завкинг хадис этдим,
Ўзинг жон бирла жононим, уйинг кайда, уйинг кайда?

* * *

Газал айт ёрга, эй мутриб, ки эй ёр, тавбалар килдим,
Агар хар гулки уздим, тилди бир хор, тавбалар килдим.

Ишимдин гохи масти бўлдим, хуморидин гахи ўлдим,
Гахида зор бўлдим, гохи безор, тавбалар килдим.

Манинг бўйнумгача бошдин оёгим тавбадин тўлди,
Килинган тавбалардин кайта минг бор тавбалар килдим.

Кел эй сен, майфуруш келким, кўлимга согаринг берким,
Кечибмен, ору номус хам на даркор, тавбалар килдим.

Чунон мастирману бехуш, на тил бордир, на аклу хуш,
Сиз эй, иссик билан совук, суву кор, тавбалар килдим.

Дилимни поралар килдим гамимга чоралар истаб,
Гамимга чорасизлик чора, ночор тавбалар килдим.

Тўлин ойнинг жамолидин каро кечамни хуш айла,
Гунохларни бу завқдин мўлу бисёр тавбалар килдим.

Дедимки тавба вактидир, менга бир хор киши айтди:
Ки мен бир кўхна тоибман, умр бор – тавбалар килдим.

Салоҳиддин улушидин келиб мункир сўрар ишқдин:
Бу ишдин кил мени сокит, кил инкор, тавбалар килдим.

* * *

Лабинг шахрига бир кунга мени мир айласанг эрди,
Лабингнинг лаълидин жонимга такрир айласанг эрди.

Паришон зулфларингни тушда кўрган кечадин бошлаб,
Паришондирману хайрон, таъбир айласанг эрди.

Жахон окилларини зулфларинг девоналар килди,
Ўшал зулфларни бир бор менга занжир айласанг эрди.

Гамингдин кўзларим икки тифлдай онча йигларким,
Сен, эй сен, тошбагир, багрингни такдир айласанг эрди.

Чиройинг Каъбаси йўлида эхром бойламишман, кўр,
Неча талбия айтдим, бир такдир айласанг эрди.

Дилим кексайди, эй хушбаҳт сарв, дарду гаминг бирла,
Анга эргашмадинг харгиз, ани пир айласанг эрди.

Сенинг гамзанг ўқидин бежароҳат колмади бир дил,
Мени хам ул арода барчага бир айласанг эрди.

Ки хуснинг оятидин бори аклим хам тамом ўлди,
Карам айлаб ул оятдин тафсир айласанг эрди.

Неча жонларни олдингу неча жонларни зор этдинг,
Бу ишда, эй санам, раҳму карам бир айласанг эрди.

Мени ўлдиргали етдингу мухлат бермадинг бир он,
Туганмас нолаю зоримни охир айласанг эрди.

Сенинг ишкингни ўтида куйиб бўлди дилим буткул,
Бу дардимнинг давосига табошир айласанг эрди.

Гаму хажринг билан охир буқун мен ўлгали етдим,
Менингдек хастага, эй ёр, тадбир айласанг эрди.

Юзинг офтоби бирла бирлашибдир ул Зухал зулфинг,
Килибдир неча киргинларки, таъсир айласанг эрди.

Юзимни остоангга суриб бир нолалар килдим,
Бу хижрон киссасидин кисса таҳрир айласанг эрди.

На хам дердим, сенинг бир эскидан колган кулингдирман,
Мени кўнгил уйингда кайта тасвир айласанг эрди.

* * *

Дилга кетдим, дилга кирдим бир замон,
Дилни холидин топай деб бир нишон.

Ўз дилим ахволидин олсам хабар,
Тушмиш ундан бу жаонга зўр фигон.

Мен хакимлардин эшитдим киссалар,
Шахру водийларда хам – кўп достон.

Барча фарёд айлади дил дастидан,
Бу хадисдан кўнглима тушди гумон.

Дил сари килдим сафарлар тинмайин,
Кўрмадим лек холи дилдан бир макон.

Окилу орифлар ичра бирма-бир
Айланаркан дил мисоли таржимон.

Дилни дил султонлари билгай фактат,
Бехирадлар кадрини билмиш качон?

* * *

Жоним менинг, жоним менинг, эй куфру иймоним менинг,
Сен истасанг гавхар бўлур бошдин оёқ коним менинг.

Куфримни иймон айласанг, жисмим тўла жон айласанг,
Дардимга дармон айласанг, эй дарду дармоним менинг.

То бизга согайсан назар нур айла бу хоки башар,
Овоз бергил сарбасар, мен – сену, сен шоним менинг.

Сенда нихон минг бир сифат, накш или аксинг беадад,
Мол бермасанг хам майлига, болинг тўла жоним менинг.

Шохона жомдин сокиё, менга шароб тут бериё,
Гар тутмасанг – шулдир жазо, ер бирла яксоним менинг.

Бу жон ўшал кондин келур, пешвоз султондин келур,
Кайтиб ватандин хам келур, гар етса бурхоним менинг.

Хомуш бўлойин бул замон, хеч кимга килмай бир фигон,
Ким Шамси Табрезий келиб, нурланди айвоним менинг.

* * *

Бу хилват уйда биз бирлан бу кеч дилдор тебрангай,
Дилим кўксимда ракс айлар, эшик, девор тебрангай.

Бу шодлик гул-гули зўрким, бу ошик ахлини кўрким,
Агар минг наъра уйгонгай, бу дил бир бор тебрангай.

Хакикатдир, буни кўрким, бу ишрат мажлиси ичра
Шахидлар бор – ётгайлар, шахидлар бор – тебрангай.

Унинг акси жамоли гар кўринса тўккиз айвондин,
Замин гардун мисоли айланур, даввор тебрангай.

Тошиб ўйнайди дарёлар унинг шавки жамолидин,
Адирлар, тоглару тошлар килиб изхор, тебрангай.

Бу кўнгил мисли гул япроқ, анга бир ел солур титрок,
Бу холат бирла гуфтордин бўлиб хуштор, тебрангай.

Бу дунё халкини кўргил, дили кар хам дили кўрдир,
Шунинг-чун зоҳиду обид била асрор тебрангай.

Галат айтдим бу маънидин, ки зоҳид бирла обидмас,
Бу мажлис ичра ул роҳиб ила зуннор тебрангай.

Тилимни тийдим, эй дўстлар, бу гап бир жойга етгай гар,
Бу шахру кент, борлик – барча мажнунвор тебрангай.

* * *

Боргил, дили хушларга айт, маstлар салом айтмоқдалар,
Хам кўлдаги кушларга айт, маstлар салом айтмоқдалар.

Ул мир каби сокийга айт, маstлар салом айтмоқдалар,
Умри узун, бокийга айт, маstлар салом айтмоқдалар.

Ул шўр ила гавгога айт, маstлар салом айтмоқдалар,
Хам суд ила савдога айт, маstлар салом айтмоқдалар.

Э ой, юзингдин ой хижил, маstлар салом айтмоқдалар,
Эй роҳату ороми дил, маstлар салом айтмоқдалар.

Эй жонга жон, эй жонажон, маstлар салом айтмоқдалар,
Эй сен – буёну, минг – ўён, маstлар салом айтмоқдалар.

Эй орзу, эй орзу, маstлар салом айтмоқдалар,
Эй парда ичра орази, маstлар салом айтмоқдалар.

Эй сенга юз сulton фидо, маstлар салом айтмоқдалар,
Кўйида ой обу адo, маstлар салом айтмоқдалар.

Эй борни йўк килган ўзинг, мастрлар салом айтмоқдалар,
Тингла бу мастрнинг хам сўзин, мастрлар салом айтмоқдалар.

“Девони кабир”, 1-жилд, 106-бет

* * *

Эй жаҳон, эзди мени савдоларинг, савдоларинг,
Килди талх умримни бу халволаринг, халволаринг.

Марвариду дуро лаълдин тўладир чарх этаги,
Сенга бергай борини – савголаринг, савголаринг.

Сел бўлиб кетмоқдадир ошикларининг жонлари,
Чорлагайдир ул сенинг дарёларинг, дарёларинг.

Кечак берган майларингдан мен буқундирман хароб,
Эрта нелар кўргизур даъволаринг, даъволаринг?

Мен ўзимнинг содда жонимга туриб боксам буқун,
Рангини килмиш сарик сафроларинг, сафроларинг.

Гавхарингнинг завкин истаб айладим дилдан назар,
Ойда кўринди сенинг сиймоларинг, сиймоларинг.

Мен сени ой деб хато килдим, галат айтдим сухан,
Сен киму ой ким – бўлур хамроларинг, хамроларинг?

Шамси Табрезий шунинг-чун айттур ўз номинг билан,
Эй мудом кўнглим аро гавголаринг, гавголаринг.

* * *

Йўк бўлишда йўк бўлиш – диним менинг,
Борлик ичра йўклик – оиним менинг.

Дўст кўйига яёв кетмоқдаман,
Чарх тулпориндадир зиним менинг.

Юз жаҳон кўргум агар бир лахзада,
Бўлгай у илк сайру сайроним менинг.

Мен нечун кезгум жаҳон дўст ахтариб?
Дўст – жоним ичра, ул – жоним менинг.

Авалиёлар фахридир Шамсулхаким,

Тишларининг сини Ёсиним менинг.

* * *

Тебранур хар битта шох, лек ўзга шохдин меваси,
Хар киши бир ўзга майдин масти бўлиб тебрангуси.

Парда ичра икки юз хотин юзин йирттар, валек
Хар бири гар бир аёлдир, ўзга жуфтнинг беваси.

Хар баликнинг танглайи сайёд кармогиндадир,
Янграюр гоҳ ул балик, гоҳ бул баликнинг ноласи.

Мутриби ишқ ахлинни, эй Шамси Табрезий сени,
Хеч качон йиглатмасин чархнинг ажиб бу шеваси.

* * *

Эй кўнгил, жонон томон кетмоқдасан,
Ким назарлардан нихон кетмоқдасан.

Ой мисол чок айлабон кўйлакларинг,
Офтоб, осмон томон кетмоқдасан.

Эй заминда ўлтиурсан, аслида
Етти ул айвон томон кетмоқдасан.

Суратингдир бунда меҳмонлар билан,
Энг буюк мезбон томон кетмоқдасан.

Энг буюк наккошдадир ул мўйкалас,
Накшу сурат ичра жон кетмоқдасан.

Сувдайн кетмоқдасан тупрокка сен,
Эй хаёт, бўстон томон кетмоқдасан.

Бу жаҳондан гам чекиб оламжахон,
Чарх уриб, ракс айлабон кетмоқдасан.

Канча эл гафлатда ётгай ноаён,
Барча элдан ноаён кетмоқдасан.

Холимизни кўргилу еткиз хабар,
Ким буюк султон томон кетмоқдасан.

* * *

Кетгуси аклу хушу тан бирла жон, сен кетмагил,
Менга мендин сен азизрок, сен ишон, сен кетмагил.

Офтоб бирлан фалак – бори сенинг соянгдадир,
Кетса гар бул офтобу осмон, сен кетмагил.

Эй қаломинг пок хам табъи латифдин хам латиф,
Кетса гар оғзимда тил, табъи равон, сен кетмагил.

Жумла иймон ахлининг энг сўнгги дамдин хавфи бор,
Кетмагил, эй бори иймон, кол омон, сен кетмагил.

Кетмагил, кетсанг, менинг жонимни хам ол биргаким,
Сен агар менсиз кетурсан – хеч качон сен кетмагил.

Бог билан бўстон эрур сен бирла бу рўйи жаҳон,
Бўлса гар бул bogу бўстонлар хазон, сен кетмагил.

Тош дилимни мен куйиб сув айладим, хажринг била
Тошга айланди Бадахшон лаъли, кон, сен кетмагил.

Заррадир гар кимса, айтур: кетмагил, эй офтоб,
Банда бўлса, айтур ул, эй султон, сен кетмагил.

Лек сен оби хаётсан, бори халклардир балик,
Эй камолу раҳмату, эй эхсон, сен кетмагил.

Бу менинг кўнгил туморим мангаликдин хам узун,
Сен ўзинг ёздинг уни, килдинг баён, сен кетмагил.

Сен ўзинг юз мингта байт, юз минг газалдин хам баланд,
Ўн саккиз минг оламу юз минг жаҳон, сен кетмагил.

Шамси Табрезий сенинг лаъли лабинг бирла хаёт,
Эй хаёт, мен бирла кол, эй жонга жон, сен кетмагил.

(“ДЕВОНИ КАБИР”)